

# Дастурхонда турли спиртли ичимликлар бор эди

15:59 / 26.04.2016 4216

**САВОЛ:** Хизмат юзасидан бир маросимга борган эдим. Дастурхонда турли спиртли ичимликлар бор эди. Атрофдагилар ичишди, албатта бу менга ёқмади, лекин чиқиб кетишнинг иложи йуқ эди. Шундай вазиятда нима қилиш керак?

**ЖАВОБ:** Албатта спиртли маст қилувчи ичимликлар мўмин мусулмон инсонларга Аллоҳ таоло тарафидан харом қилинган. Аввал ҳам айтиб ўтганимиздай харом қилинганлиги уни ўта зарарли бўлганидандир. Шунинг учун мўмин мусулмон инсон бундай нарсаларга умуман яқин йўламасликлари керак. Ана ўша яқин йўламаслик бобида, мазкур ичимликларни бошқалар ичаётган пайтидаги дастурхон атрофида ёки ўша жойда туришлари мумкин эмас. Савол эгасини айтганларидек, хизмат юзасидан ёки қандайдир бир бошқа юзадан маросимга борадиган одам, борадиган жойини қандай эканлигини ўрганиши, билиши лозим. Агар у жойда спиртли ичимликлар ичиладиган бўлса, ношаръий харом-хариж ишлар бўладиган бўлса имкон даражасида у ерга бормасликга ҳаракат қилиш керак. Мабодо билмай бориб қоладиган бўлса, савол эгасига ўхшаб ноқулай ҳолатни устидан чиқиб қолсалар албатта у ердан бир имконини қилиб чиқиб кетишга тўғри келади. Мана шу шариатни амри бу ерда ўтириш, уларни гуноҳ иш қилаётганларини, ўзлари учун, оилалари учун, жамиятлари учун харом бўлган зарарли бир ичимликларни ичаётганлигига гувоҳ бўлиб, уларни ишига рози булиб бирга ўтириш шариат буйича дуруст бўлмайди. Балки ундай мажлисни тарк этиш керак. У ердан чиқишни ҳаракатида бўлиш керак.